Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
20 январь
ПАЙШАНБА
№ 9
(4605)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри
• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
• www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ВАТАНГА МАЪРИФАТ БОЛАЛАРИ КЕРАК

ёхуд қиморбозлик васвасасининг оғир оқибатлари ҳақида

4

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 19 январь куни Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари **Дмитрий Козакни қабул қилди.**

* * *

Президент **Шавкат Мирзиёев** 19 январь куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича **тақдимот билан танишди.**

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 январда **«Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига кўра, «Меҳр дафтари» тизими жорий этилди.

* * *

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари **Қурбон Турсунов** Татаристон Республикаси «КЭР-Генерация» корхонаси раҳбари **Ильнар Зиганшин бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.**

* * *

Туркманистон Ўзбекистон билан ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкентда имзоланган туркман-ўзбек чегара зонасини ташкил этиш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш бўйича **келишувни ратификация қилди.**

* * *

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабар беришича, 2022 йил 18 январь ҳолатига кўра, **Ўзбекистонда коронавирус** инфекцияси қайд этилганлар сони 208271 (+1214) нафарни ташкил этган.

* * *

Инновацион ривожланиш вазирлиги вакиллари ҳамда Туркиянинг «Teknopol Istanbul» мутасадди ходимлари ўртасида видео мулоқот ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси **Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан** «Биомайрин 600 мг» оригинал препарати яратилди. Ушбу препарат полигалактурон кислотаси (пектин) **ва силга қарши препаратлар** – изониазид, этамбутол ва рифампитсин асосида олинган.

* * *

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида оғир атлетика бўйича Токио Олимпиадаси ғолиби ва рекордчиси ҳамда жаҳон чемпиони **Акбар Жўраев** ва терма жамоа аъзолари **иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Сирдарё вилояти | **Ҳуқуқ**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи ва техника ҳуқуқи инспекторлари вилоят дерматовенерология ва косметология диспансерида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодекси, Тармоқ келишуви талаблари ҳамда жамоа шартномалари ижроси юзасидан ўрганиш ўтказди. Жараёнда бир қатор камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

КЕЧКИ НАВБАТЧИЛИК УЧУН

тўланмаган қўшимча иш ҳақи

Жумладан, ходимлар учун кечки соат 18:00 дан 22:00 гача бўлган вақт «кечки навбатчилик» сифатида белгиланмаган. Оқибатда навбатчиликда ҳар бир соат учун ходимга камида 1,25 баравар миқдорида ҳақ тўланиши лозим бўлса-да, иш берувчи томонидан тўланмай келинган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 158-моддаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган Тармоқ келишуви талабларига кўра, ходимларга қўшимча ҳақ белгиланиши керак эди. Ходимлар ҳам «Бизда тўланмас экан», деган хато фикрга бориб, ўз ҳақларини сўрашмаган.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳақида бош шифокор номига ёзма кўрсатма киритилди. Аммо у қаноатлантирилмагач, тармоқ касаба уюшмасининг вилоят кенгаши фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд даъво аризани қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Унга асосан иш берувчи зиммасига навбатчи ҳамшира З.Тўрабекованинг иш ҳақига қўшимча тўловлар 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда тўланиши ҳамда бундай тўловлар навбатчилик даври ўша вақтга тўғри келган барча ходимларнинг иш ҳақларига қўшиб тўлаб борилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Раъно АБДАЛИМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси

Тошкент вилояти | **Луқма**

«ЧОРВОҚ»қа қандай борилади? «ЧИМЁН»га–чи?

Бўстонлиқ туманидаги сўлим ва баҳаво масканларга дам олиш учун тез-тез бориб турамиз. Ғазалкентдан Чорвоқ томонга юрилганда айланма ҳаракатланишли йўл келади. Тўғрига кетсангиз – Чимёнга, чапга қайрилсангиз – Чорвоққа борасиз.

Айланма йўл четида «Чарвак», «Чимган» деган катта-катта ёзувларга кўзингиз тушади. Бу ёзув-лавҳалар ёнидан ўтаётган минглаб йўловчилар орасида турли касб эгалари бўлиши табиий. Лекин ҳеч ким эътибор бермайди, эътироз билдирмайди.

Бўстонлиқ тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчисига «Чарвак» ва «Чимган» ҳақида мақола ёзмоқчиман десак, у: «ака мақола ёзишга озгина шошибсиз, яқинда бу масала ҳал бўлади», деган жавобни берди.

Аммо шундан буён ҳам анча вақт ўтди. Аммо ўша ёзув, ўша ёзув... Масала ҳал бўлмаган, шекилли...

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«ISHONCH»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...





Бухоро вилояти

Мактабимизда 100 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси бор. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш шароити ва сифатини янада яхшилаш мақсадида мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилган.

Ҳамкорлик

ФАОЛЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Аъзоларнинг юбилей ва байрам тадбирларини ўтказишда, кам таъминланганларга модий ёрдам кўрсатишда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Вобкент тумани кенгаши билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Фарзандлари олий ўқув юртида таҳсил олаётган ўқитувчиларимиз Дилрабо Бобоева, Сабоҳат Абдиева, Муҳаббат Исломова ҳамда фаррош Дилафрўз Ражабовага моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган фаррошларимиз Ойбалан Эгамбердиева ва Елизавета Қаҳҳоровага фарзандларининг никоҳ тўйлари муносабати билан моддий кўмак берилди.

– Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келин бўлиб тушганман, – дейди молдован миллатига мансуб Елизавета Қаҳҳорова. – Шу юртда яшаётганимдан хурсандман. Яхши-ёмон кунимда менга мададкор бўладиган жамоамдан миннатдорман.

Энг фаол ўқитувчилар учун юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарларга ҳам саёҳатлар уюштирилди.

Дилором ТУРДИЕВА,
Вобкент туманидаги 17-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшмаси раиси

Жиззах вилояти

Навбат ижрога...

Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Ўша куни... Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Хайрулло Маҳкамов ҳам навбатдаги чақирувга йўл олганида кўп ўтмай ўзи беморга айланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Қисқаси, у бир йил муқаддам туманнинг «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонга етиб борганида, уйдан чиқиб келган Достон Обидов беморни кўрсатиш ўрнига «Нега хабар тушгандан сўнг ўз вақтида келмайсан», дея жанжал чиқарди ва унга тан жароҳатлари етказди.

Жабрланувчи ёпиқ краниофациал травма, бош мия лат ейиши, бурун суяги ёпиқ синиши, бурун соҳаси урилиб йиртилган жароҳати, бош-энса тепа, пешона соҳаларининг юмшоқ тўқималари лат ейиши ташхиси билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали жонлантириш бўлимига ётқизилди.

Бироқ жабрланувчига хизмат вазифасини ўташ чоғида олган тан жароҳати бўйича бир йўла тўланадиган нафақа пули ҳамда ойма-ой тўланиши лозим бўлган соғлиғига шикаст етказилгани билан боғлиқ ҳолдаги зарар пуллари Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан ўз вақтида тўланмади.

Охир-оқибат Хайрулло Маҳкамов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати етакчи мутахассиси Алишер Бурҳонов ҳолатни ҳар томонлама ўргангач, Жиззах вилояти 27-сонли Бош ТМЭКнинг 2021 йил 19 июлдаги хулосасига кўра, Хайрулло Маҳкамов II гуруҳ ногирони деб топилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши иш берувчига жабрланувчи Хайрулло Маҳкамовга бир йўла тўланадиган нафақа пули (олтмиш миллион беш юз қирқ икки минг тўққиз юз саккиз сўм) ҳамда ойма-ой тўланиши лозим бўлган (ўттиз бир миллион икки юз саксон беш минг бир юз эллик тўққиз сўм)ни 7 (етти) кун муддат ичида тўлаб бериш ҳақида 2021 йилнинг 15 ноябрь куни №01-07/1346 сонли тақдимнома киритди.

Бироқ... Туман тиббиёт бирлашмаси тақдимномани кўриб чиққани тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига маълумот бермагани сабабли, низони суд тартибида ҳал қилиш учун жабрланувчи Хайрулло Маҳкамовнинг манфаатини кўзлаб Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди 2021 йилнинг 23 декабрь куни даъво аризани кўриб чиқиб, Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасидан жабрланувчи Хайрулло Маҳкамовнинг фойдасига (тўқсон бир миллион саккиз юз йигирма бир минг олтмиш етти сўм ҳамда беш миллион сўм) маънавий зарар ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарор чиқарди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Касаба уюшма аралашгач...

«Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонасида 2000-2019 йилларда электрпайвандчи бўлиб ишлаган Рахат Сарсеновнинг охирги умиди касаба уюшмасидан эди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Султамурат Ўразимбетовнинг таъкидлашича, фуқаро Р.Сарсенов ўзининг қонуний ҳуқуқларини тиклашда бир неча бор бюрократик тўсиқларга дуч келган.

Қорақалпоғистон Республикаси

Сарсенов
энди сарсон бўлмайди

Ҳолбуки, электрпайвандчилик қонунан имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи, оғир меҳнат рўйхатидаги касб тури. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 12-моддасида белгиланишича, охирги иш жойидан қатъи назар, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар белгиланган ёшни (яъни, 60 ёшни) 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, дейилган. Демак, фуқаро 55 ёшида охирги иш ўрнидан қатъи назар пенсияга чиқиши мумкин. Фақат ишлаган жойидан имтиёзли пенсия таъминотига оид маълумотнома (11-шакл) тўлдирилиб берилса бас.

Р. Сарсенов эса қонуний шу ҳуқуқдан фойдаланаман, деб қанча машаққатларга дуч келди.

Дастлаб 2021 йилнинг июнида «Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонасига мурожаат қилади. Мурожаатга жавобан «Сиз бизнинг корхонадан 2019 йилда ишдан бўшагансиз, шу боис имтиёзли пенсия таъминотига оид маълумотномани биз бера олмаймиз, кейинги ишлаган корхонангиздан олинг», деган мазмунда хат келади.

КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ИШ СУДГА ОШИРИЛИШИ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИДАН СЎНГ «ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ» УНИТАР КОРХОНАСИ ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТИНИ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРДИ.

Р.Сарсенов ҳақиқатан ҳам 2000-2019 йилларда Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонасида электрпайвандчи бўлиб ишлагандан кейин «Тахиатош йўл қуриш ва таъмирлаш» унитар корхонасида фаолият юритган. У ердаги иш оғир меҳнат шароитига кирмайдиган касб эди. Улар ўзларидан келиб чиққан ҳолда «бизда фаолият юритган ишингиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида келтирилган рўйхатда йўқ, деб жавоб қайтаради.

Шу вақтлар оралиғида у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига ҳам ариза ташлайди.

ДАСТЛАБ 2021 ЙИЛНИНГ ИЮНИДА «ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ» УНИТАР КОРХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ. МУРОЖААТГА ЖАВОБАН «СИЗ БИЗНИНГ КОРХОНАДАН 2019 ЙИЛДА ИШДАН БЎШАГАНСИЗ, ШУ БОИС ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИГА ОИД МАЪЛУМОТНОМАНИ БИЗ БЕРА ОЛМАЙМИЗ, КЕЙИНГИ ИШЛАГАН КОРХОНАНГИЗДАН ОЛИНГ», ДЕГАН МАЗМУНДА ХАТ КЕЛАДИ.

Касаба уюшмасининг иш судга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантириш хатидан сўнг «Қорақалпоғистон кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси фуқаронинг мурожаатини ҳал қилиб берди.

Ниҳоят, адолат излашдан қайтмаган ўз ниятига етди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилоятида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган педагог-ўқитувчилар, мураббий ва тарбиячилар кўп. Айни чоғда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси **Моҳира ТОҒАЕВА** *билан шу хусусда суҳбатлашдик.*

Фаолият

УСТОЗ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЖОЙДА

– Маълумотларга кўра, ўз сафига 101282 нафар аъзони бирлаштирган уюшма соҳа ходимлари манфаатларини жамоа шартномалари орқали ҳимоялашни зиммасига олган. Айтинг-чи, ижтимоий шериклик тамойиллари амалиётга қай даражада татбиқ этилмоқда?

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг VII қурултойларида муҳим ва маъсулиятли вазифалар белгилаб олинган. Унга асосан, биз ҳам уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиққанмиз. Иш берувчилар билан ҳамкорликда соҳанинг кам таъминланган, ногирон, кўп болали, шунингдек, «Аёллар дафтари»га киритилган ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Туманлардаги тармоқ қўмиталар томонидан ногиронлиги мавжуд 47 нафар кишига кундалик эҳтиёжи учун 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 247 нафар кам таъминланган ва ижтимой ҳимояга муҳтож оила вакилларига, 2-3 ёшгача бўлган фарзандларини парваришлаш билан машғул ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. 143 нафар ходимга эса юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинди.

«Меҳр аввал биздан бўлсин!» деган шиор фаолиятимизнинг бош мезони саналади. Шу асосда «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган 120 нафардан зиёд аёлнинг мушкулини имкон қадар осонлаштиришга интилдик. Бундан ташқари, ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Термиз шаҳридаги ҳарбий қисм хизматчилари учун махсус байрам тадбирлари уюштиряпмиз. Мингдан ортиқ бошланғич ташкилотда «Балли, шунқорлар!» кўрик-танлови ўтказиб, ғолибларни тақдирлаяпмиз. Хотин-қизлар байрамида мунис онахонлар, дилбар опа-сингиллар кўнглини шод этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Улар иштирокида спорт мусобақалари уюштириб, барчасига эсдалик совғалари улашяпмиз.

– Уюшма аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қарорига биноан, вилоятдаги 500 нафар раҳбар ва ўқитувчи касаба уюшмаларига қарашли «Термиз марвариди» ва «Хўжаипок» санаторийсида бепул соғломлаштирилди. Қолаверса, сўнгги 8 ой давомида тизимда меҳнат қилаётган 300 нафарга яқин ишчи-ходим республика миқёсидаги «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Бўстон» сиҳатгоҳларида соғлиқларини тиклашди.

Соҳа ходимларининг фарзандлари вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришяпти. Касаба уюшмалари Федерациясининг «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» акцияси асосида 700 нафар аъзонинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари тарихий шаҳарларга, 6300 нафари вилоятдаги диққатга сазовор жойларга саёҳат ва зиёратга боришини ташкиллаштирдик.

– Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга қандай моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда?

– Аввало, тизимда узоқ йиллар ишлаган фахрийлар ҳамда хасталаниб қолган устозлар ҳол-аҳволидан хабар олинди. Уларнинг уйига бориб, байрам совғалари тақдим этилди. Ҳар қайси туман кенгаши ижтимоий кўмакка муҳтож 100 нафардан ортиқ ўқитувчига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Улуғ айём кунларида Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилари, Денов, Шўрчи туманларидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар муаллимлари ҳам ҳомийлик ёрдамларидан баҳраманд бўлишди. Тармоқда ҳар бир байрамда ижтимоий ҳимояга муҳтожлардан хабар олиш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, илғор ходимларни рағбатлантириш изчил йўлга қўйилган.

– Соҳа вакилларининг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилашга доир қонунларга риоя этилиши касаба уюшмалари томонидан нечоғли назорат қилинмоқда?

– Бошланғич ташкилотларда ҳар бир иш жойи учун техника хавфсизлиги йўриқномалари ишлаб чиқилган. Таълим муассасалари касаба уюшмалари саъй-ҳаракати самараси ўлароқ, тўлиқ бирламчи ўт ўчириш мосламалари билан таъминланган. Меҳнат муҳофазасига оид низом талаблари бажарилиши учун масъул шахслар масъулиятини ошириш, барча муассасаларда меҳнат муҳофазаси хоналарини жиҳозлаш ишлари ҳам касаба уюшмалари томонидан адо этилмоқда. Бунинг учун зарур бўлган ўқув кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа буюм-анжомлар касаба уюшмалари маблағлари эвазига муҳайё этилган.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида ўқитувчи ва мураббийларнинг қадрини ошириш, уларга етарли шарт-шароитлар яратишга асосий эътиборимизни қаратганмиз. Зеро, устозлар қадри улуғланган жойдагина илмга ҳақиқий пойдевор қўйилади.

«ISHONCH» мухбири
Рустам ДАВЛАТОВ
суҳбатлашди

Тошкент вилояти

Сиҳатгоҳларда

Қибрай туманидаги «Бўстон» санаторийсида юрак-қон-томир, асаб, таянч ҳаракат тизими, урологик ва гинекологик касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, бу ерда физиотерапевтик муолажаларнинг барча турлари қўлланилади. Бундан ташқари, стоматологик, ўт қопи ва ичак ювиш муолажалари ўтказилади.

«БЎСТОН»дан барча мамнун

Айни пайтда даволанувчиларга 29 нафар шифокор, ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. 250 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд.

Икки қаватли даволаш бўлимида барча шароитлар етарли. Даволанувчилар физиотерапевтик муолажаларни олиш учун меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда навбатма-навбат хоналарга ташриф буюрадилар. Биринчи қаватдаги фитобар улар хизматида.

Деярли ҳар куни оқшомда эл севган хонандалар, кулги усталарининг ташрифи даволанувчиларнинг қалбига завқ бағишлайди. Маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган зиёратгоҳлар, тарихий обида ва музейлар, шунингдек, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига уюштириладиган саёҳатлардан даволанувчилар мамнун.

– Бу гўшада учинчи марта турмуш ўртоғим билан дам олиб қайтмоқдамиз, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан келган Пардагул Ўрозбоева. – Сиҳатгоҳдаги шароитлар, даволанувчиларга берилаётган эътибордан жуда мамнунмиз.

– Пандемиядан олдин ушбу сиҳатгоҳда саломатлигимни тиклаб қайтган эдим, – дейди Жиззах вилояти Пахтакор туманидан келган Зулфия Хўжабекова. – Икки йилданг сўнг, яна шу санаторийга келдим. 12 кун давомида саломатлигимни тикладим. Шифокор ва ҳамширалардан жуда миннатдорман.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

Хоразм вилояти

Президент ташрифидан сўнг...

ЮРАГИ БУТУН АВЛОД

ҚИСҚА ФУРСАТДА ХОРАЗМДА БОЛАЛАР КАРДИОЖАРРОҲЛИГИ МАКТАБИ ШАКЛЛАНДИ

Далил: Дунёда ҳар минг нафар боладан 8-10 нафарида туғма юрак нуқсони учрайди. Агар вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ушбу дардга чалинганларнинг 50 фоизи гўдаклигидаёқ нобуд бўлади. Бу кўрсаткич бир ёшгача бўлганлар орасида 87 фоизни ташкил этади.

Шукрки: биз тиббиёт тобора ривожланаётган даврда яшамоқдамиз. Замонавий кардиохирургиянинг ҳозирги даражаси туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларнинг 97 фоизини ҳаётга қайтариш имконини бермоқда.

Маълумот: Хоразм вилоятида ҳар йили ўртача 40 минг нафар чақалоқ дунёга келади. Улардан 300-350 нафари туғма юрак нуқсони билан туғилади.

Бундан беш йил аввал ушбу хасталикка йўлиққан фарзандини «чўнтаги кўтарган» ота-оналар даволатиш учун хорижга ёки пойтахтга олиб боришарди. Имтиёзли жарроҳлик амалиётлари учун эса йиллаб навбат кутишга тўғри келарди.

2017 йили Президентимизнинг Хоразмга ташрифи воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожида янги даврни бошлаб берди, энг муҳими, юзлаб болажонларнинг хаста юракларига қувват бахш этиш учун замин яратди.

– Ўшанда Шавкат Миромонович мен раҳбарлик қилаётган муассаса фаолияти билан ҳам танишиб, ютуқлар ва мавжуд муаммолар ҳақида суҳбатлашди, – дейди тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Анвар Сагиров. – Шу асно болалар кардиохирургияси бўлими ва янги поликлиника биносини қуриш таклифини киритди. Бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Сўнгра жаҳоннинг етакчи клиникалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, машҳур кардиолог ва кардиожарроҳларни муассасамизга таклиф қилдик. Ўз мутахассисларимизни эса малака ошириш учун хорижга юбордик. Шу зайл қисқа фурсатда Хоразм болалар кардиожарроҳлиги мактабини шакллантирдик. Муқаддам муассасамизда йилига ўртача 50-70 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 400 нафарга етди. Жумладан, туғма юрак нуқсони мавжуд 130-140 нафар бемор операция қилиняпти. Янги поликлиника эса қишин-ёзин 27 минг нафардан зиёд мижозга кардиологик хизмат кўрсатяпти.

Чекка ҳудудларда тиббий кўриклар уюштирилмоқда. Туғма юрак нуқсони бор болаларни даволаш усулини танлашда педиатрларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу янглиғ чора-тадбирлар самараси ўлароқ, вилоятда туғма юрак нуқсонидан ўлим кўрсаткичи 5,5 фоиздан 1,8 фоизга тушди. Жамоанинг мақсади бу ҳолатга батамом барҳам бериш ва хасталикнинг олдини олиш чораларини кучайтиришдир.

Дарҳақиқат, Хоразм кардиологияси жаҳон миқёсида беллашадиган даражага етмоқда. Бироқ, боя айтганимиздек, ўртада маблағ муаммоси ҳам бор. Давлатимиз ва яхши инсонлар юрак нуқсони билан туғилган болакайларга соғлом ҳаёт кечириши учун кўмаклашяпти. Масалан, «Замин» фонди ёрдамида 40 нафардан зиёд беморда жарроҳлик амалиёти бепул амалга оширилди. Бу уларнинг оила аъзоларига қувонч бағишлаб, болажонлар ҳаёт аталмиш буюк неъматдан баҳраманд бўлишлари учун замин яратди.

Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, Хоразм вилояти ҳокими ўтган йил 14 декабрда имзолаган туғма юрак нуқсони билан туғилган 141 нафар боланинг жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш хусусидаги фармойиш ҳам айни муддао бўлди. Тез орада операция қилиниши шарт бўлган 40 нафар болакай рўйхати шакллантирилди. Ўтган даврда уларнинг ярми операция қилинди, январь ойи охиригача қолганларида жарроҳлик амалиёти ўтказилади.

Хўш, туғма юрак нуқсони қай сабабларга кўра келиб чиқади? Унинг олдини олиш мумкинми?

– Бу хасталик пайдо бўлишининг бир қатор сабаблари бор, – дейди болалар кардиожарроҳи Санъат Собиров. – Қариндошлар никоҳи, ҳомиладор аёлдаги камқонлик, вирусли хасталиклар, гормонал ёки нейрогуморал омиллар боланинг туғма дардлар, жумладан, юрак нуқсони билан дунёга келишига сабаб бўлади, Демак, касалликларнинг олдини олиш учун ота-она, айниқса, аёл соғлом бўлиши керак. Ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин улар тиббий кўрикдан ўтишлари, хасталик аниқланган тақдирда, даволанишлари зарур. Шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг рационал овқатланишига, стресслардан холи бўлишига эътибор қаратиш даркор.

Муассаса ходимлари туғма юрак нуқсонини барвақт аниқлаш ниятида Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, перинатал маркази, туман кардиологлари билан доимий ҳамкорлик қилишмоқда. Чекка ҳудудларда тиббий кўриклар уюштирилмоқда. Туғма юрак нуқсони бор болаларни даволаш усулини танлашда педиатрларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу янглиғ чора-тадбирлар самараси ўлароқ, вилоятда туғма юрак нуқсони бўйича ўлим кўрсаткичи 5,5 фоиздан 1,8 фоизга тушди. Жамоанинг мақсади бу ҳолатга батамом барҳам бериш ва хасталикнинг олдини олиш чораларини кучайтиришдир.

Шифохонада нафақат болаларга, катталарга ҳам малакали ёрдам кўрсатилаётир. Бу ерда ҳар йили 4500 дан зиёд бемор стационар шароитда даволанаётир. Сўнгги беш йил мобайнида жарроҳлик амалиётлари турлари 43 тадан 67 тага кўпайтирилди. 2017 йили ўрнатилган ангиограф аппарати кўплаб кишиларнинг юрак фаолиятини яхшилашга ва умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

Марказда беморларнинг яқинлари учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Чунончи, унинг ҳудудида меҳмонлар уйи ва ошхона очилган. Муассаса атрофи қалин арчазорга айлантирилган. Бинонинг ички йўлакларидаги анвойи гуллар қишин-ёзин ёқимли ифор таратиб туради. Болалар кардиологияси бўлимида эса улар ўзларини худди уйидагидек ҳис этишлари учун алоҳида шароитлар муҳайё этилган.

Маълумки, 2021 йил 9 ноябрда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шу асосда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали Оролбўйи минтақавий марказига айлантирилиши ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 20 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. 12 ноябрда ҳукуматнинг «Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Демак, келгусида марказ нафақат хоразмликларга, балки Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Шунга мувофиқ, у янги технологиялар билан жиҳозланмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Мулоҳаза

ЙТҲ «пандемия»си

ЁХУД ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШТИРОКИДАГИ АВТОҲАЛОКАТЛАР СОНИ НЕГА ОРТМОҚДА?

Деярли ҳар куни ижтимоий тармоқлар, ОАВда йўл транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани ҳақидаги хабарларни ўқиб, очиғи, дийдамиз қотиб кетяпти. Аммо техника «оёқлари» остида қолаётган мурғак болалар ўлими нафақат ота-оналар, балки жамият учун, келажак учун улкан фожиадир.

Йўл-транспорт ҳодисалари асосан шаҳар ҳудудларида содир этилса-да, сўнгги пайтларда йирик автотрассаларда ҳам кўплаб учрамоқда. Вилоятлар кесимида энг кўп автоҳалокатга учраган болалар 2018 йилдан бери Тошкент вилоятида кузатилган. Тошкент шаҳри ҳам ундан қолишаётгани йўқ. Бир йил давомида тахминан 170 нафар бола нобуд бўлган бўлса, 1000 нафардан зиёд бола ЙТҲ оқибатида турли жароҳатлар олган. Кейинги йилларда бу рақамлар тобора ўсиб бораётгани кишини хавотирга солмай қўймайди.

2021 йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида республикамиз ҳудудларида содир этилган «авария»лар натижасида 557 нафар киши қурбон бўлган. Эътибор беринг, бу бир кичик қишлоқнинг бутунлай қирилиб кетишидек гап. Шу даврнинг ўзида 1684 нафар киши жароҳатланган. Уларнинг кўпчилиги бутун умр бошқаларнинг кўмагига муҳтож ва ногиронликка маҳкум бўлиб қолган.

Хўш, бунга сабаб нима? Мазкур ҳодисаларнинг асл айбдори ким? Ўпкасини қўлтиқлаган ҳайдовчими ёки огоҳликни йўқотган пиёда?

Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, баъзан ҳудудларнинг транспорт ҳаракатланиш қисмига йўл ҳаракати белгилари нотўғри қўйилади. Иккинчидан, аксарият одамлар ҳайдовчилик гувоҳномасисиз автоулов бошқаради. Учинчидан, кўчаларнинг қатнов қисмига турли маиший дўконлар нотўғри жойлаштирилган. Бозорлар, дам олиш ҳудудларидаги тирбандликларда содир бўлаётган автоҳалокатлар сони ҳам ошган. Тўртинчидан, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларига ҳаракатланиш қоидаларини билмайдиган пиёдаларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлмоқда.

2021 йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида республикамиз ҳудудларида содир этилган «авария»лар натижасида 557 нафар киши қурбон бўлган. Эътибор беринг, бу бир кичик қишлоқнинг бутунлай қирилиб кетишидек гап. Шу даврнинг ўзида 1684 нафар киши жароҳатланган. Уларнинг кўпчилиги бутун умр бошқаларнинг кўмагига муҳтож ва ногиронликка маҳкум бўлиб қолган.

Қоидабузарликларнинг 32,4 фоизи тезлик меъёрига амал қилмаслик туфайли содир бўлади.

Яна бир жиҳат: аксарият ҳайдовчилар ҳалокатга қоронғулик ва чарчоқ сабаб бўлганини айтишади. Кўрсаткичларда эса бунинг акси. Яъни, аксарият ҳалокатлар кундузи содир бўлмоқда. Ҳар куни 4-5 одам автоҳалокатлар оқибатида вафот этар экан, уларнинг учдан бирини кўпинча ёш болалар ташкил этади.

Болаларга мактабгача таълим ҳамда мактаб ёшиданоқ йўл ҳаракати қоидаларини турли таъсирчан воситалар орқали янада мукаммалроқ ўргатиш лозим. Вояга етмаган ёшдагилар учун йўл ҳаракати қоидаларига оид қўлланмалар, махсус китоблар кўпроқ нашр этилиши зарур. Оилада ота-она ҳушёрлиги, боланинг бу борадаги билимларини кенгайтиришга кўмаклашиш, айниқса, ўсмир ёшидаги болаларга автоуловни ишониб топширмаслик, ҳушёрлик масалалари кун мавзусига айланиб бормоқда. Аммо, масалани тўлиқ англамоққа эса, назаримда, кечикяпмиз...

Бугун ЙҲТ «пандемия»си сабаб кўплаб қурбонлар бўлаётгани, энг ёмони, уларнинг аксарияти вояга етмаган болалар эканига бепарвомиз. Ваҳоланки, ҳар биримиз маълум юмушлар билан ҳар куни йўлларда юрамиз, ҳеч биримиз бу хавф-хатардан кафолатланмаганмиз.
Хулоса қилишнинг айни фурсати... Муҳими, кечикмайлик.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»

Эълонлар

Термиз давлат университети томонидан 2004 йилда Юлдашев Убайдулло Эркинович номига берилган В № 016890 (рўйхат рақами 347) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд «Темурбеклар мактаби» томонидан 2019 йилда Нурматов Шуҳрат Юлибек ўғли номига берилган L № 0011629 (рўйхат рақами 109) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, «Мезон» МФЙ, Боғ ҳовли кўчаси, 12«А»-уй учун Турдиев Хайдарали Нуралиевич номига берилган уйнинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгаш бош ҳисобчиси Шавкат Содиқовга отаси **Журъат СОДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Уйғоқ ўй

Яқинда ижтимоий тармоқларда хунук бир хабар тарқалди. Мазмуни қуйидагича: Фарғона давлат университети ўқитувчиси, Шаҳрихон туманида яшовчи 30 ёшли Р.Б. онлайн қиморда ютқазгач, ўз жонига қасд қилади. Ҳолбуки, у бултур магистратурани битирган, уйланганига эса эндигина икки ой бўлганди. Аниқ тафсилотларга кўра, бировдан 57 миллион сўм пулни (эртасига қайтариш шарти билан!) қарзга олиб, «1xbet» букмейкерлик компанияси орқали онлайн қиморга тиккан ва ютқазиб қўйган. Оқибатда ўзи яшайдиган ҳудуддаги қабристон айвонида ўзини осиб, воқеа жойида вафот этган.

ВАТАНГА МАЪРИФАТ БОЛАЛАРИ КЕРАК

ёхуд қиморбозлик васвасасининг оғир оқибатлари ҳақида

Ажабланарлиси, бу йигит санғиб юрган саёқ ёки кўча боласи эмасди. Кўнглида не-не эзгу орзу-умидлари бўлгани ҳам аниқ. Лекин интернетдаги бир ўйин сабабли барчаси бир зумда кунпаякун бўлди.

Дилни кўп хира қиладиган ушбу воқеанинг нохуш таъсири ҳали аримай, орадан атиги икки кунгина ўтиб, ижтимоий тармоқларда яна бир шум хабар пайдо бўлди. Унда баён этилишича, 16 ноябрь куни фарғоналик 25 ёшли яна бир йигит «1xbet» қурбонига айланган. У 16 миллион сўм учун ширин жонига қасд қилган. Бу маблағ ишхонасиники экан. Онаси бечора «Қўй, сиқилма, болам, пулни топамиз!», деса ҳам, шок ҳолатга тушиб қолган ўғли ўз умрига ўзи нуқта қўйган.

Бу янглиғ машъум воқеалар ҳақида ўқиб, хазин ўйларга толаман: Нималар бўлаяпти ўзи? Аслида бундай бўлиши мумкин эмас, айниқса, биз ўзбекларда. Ҳар қалай, ҳаётнинг паст-баландини кўрган-билган, ўзаро меҳр-оқибатли, иродаси мустаҳкам элмиз. Гоҳо ишдан ёки гапдан чалғиса ҳам, иймондан чалғимайдиган халқмиз. Бас, шундай экан, бир ёлғончи «Ҳув анави шудгорда қуйруқ ётибди!» деса, гўлларча лўкиллаб югуриб кетаверамизми?

Шу ўринда Президентимизнинг 2021 йил 19 январь куни маънавият масалаларига бағишланган йиғилишда айтган қуйидаги гапларини эслатиб ўтиш жоиз: «Бугун дунёда инсоннинг онги ва қалбини эгаллаш тобора кучайиб бормоқда. Бу ишнинг бошида турган кучлар ўз мақсадига эришиш йўлида тарғиботнинг барча усулларидан унумли фойдаланяпти. Шундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга беписандлик ҳолатларига қарши курашнинг методологик асосларини шакллантиришимиз лозим. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, Тараққиёт стратегияси, Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий ақл марказларига айланиши керак».

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда инсон онги ва қалбини «овлаш» иштиёқидаги фирибгарлар тарғиботлари кун сайин кучайиб бормоқда. Бу, таъбир жоиз бўлса, дунё миқёсидаги энг катта ов!

Ризқ-насиба, маблағ ва бойлик орттириш масаласида ҳаётнинг азалий ўз формуласи борки, уни ўзгартириб бўлмайди, ўзгартираман дейиш эса Худонинг ишларини ўзгартираман дейиш билан баробардир. Бу формула шундай: Меҳнатсиз топилган бир сандиқ тилла ҳам одамга юқмайди. Баъзан юққандай кўринса ҳам йиллар ўтиб юқмагани, аксинча, кимнингдир ҳаётини бузгани маълум бўлиб қолади. «Тарихда мисоллар жуда кўп бунга!».

Афсуски, ақлий танбаллик, руҳий дангасалик гирдобига тушиб қолган ёшларимиз ҳам талайгина. Кимдир онлайн қиморга муккасидан кетган, кимдир бакалажка қопқоғини йиғиш билан овора, кимдир телевизордаги кўпчиган ўйинларни томоша қилиш билан банд. Энг ачинарлиси, бу ўйинлар кўплаб ёшларни хомхаёл қилиб қўяяпти. Ҳаммасининг қайғуси битта – безаҳмат хазинага эришиш.

Бундай ёшлар меҳнат ва ижодга эмас, танбаллик ва таъма ботқоғига ботиб боришаяпти. Ишламасдан, ҳаракат қилмасдан катта маблағ ё машинага эришиш минглаб йигит-қизларнинг ички мақсадига айланиб қоляпти. Лекин бу аслида мақсад эмас, васваса, яна денг, иродани ва фикрни емириб ташлайдиган «ширин» васвасадир. Ҳатто халқимиз эртакларида ҳам хазинага меҳнат, илм, эзгу мақсадлар билан эришиш уқтирилган. Осмондан тушадиган бойлик орзуси одамга худди наркотик модда каби таъсир этади, бу жодугар ҳис уни бамисоли шардай ширади, ихтиёрини оқимга ташлаб, тентак хаёллар исканжасида ўзини ва йўлини йўқотишга мажбур қилади.

Баъзи қишлоқларда бакалажка қопқоғини халталаб йиққан, умумий дафтарларни «акция» деган ёзувли кичик марка сифат қоғозга тўлдириб ташлаган ўсмирлар тўдаси пайдо бўлди.

2000 йиллар бошида юртимизда шунақа ўйинлар кенг ёйилиб, ҳаммани ўз домига тортганида бу ишларнинг бошида турган бир аҳнабий зотнинг базми жамшид чоғи «Шу қадаҳни Ўзбекистонда аҳмоқлар янада кўпайиши учун кўтарайлик!», деган гапи анча шов-шув бўлганди. Албатта, бу қадаҳ сўзи қай ҳолатда ва қай тарзда айтилганини биз аниқ билмаймиз. Лекин, қандайлигидан қатъи назар, ҳатто бадиий тўқима бўлган тақдирда ҳам, бу гап қиморсифат маккор ўйинлардан манфаатдор кимсаларнинг асл башарасини ва ёвуз ниятларини очиб берганди. Чунки аҳмоқлар ва бозингар оломон қанча кўпайса, уларга шунча яхши, биттасига суяк ташлаб, мингтасини шиладилар. Фикрсизлик кучайса, бундай ўйинлар янада авжига чиқади. Спорт ўйинлари ниқоби остида ёхуд кўнгилочар томошалар кўринишида пайдо бўлаётган онлайн қиморхоналар минглаб ёшларни юҳодай ютиб юборяпти. Уларнинг соғлиғи ва ҳаётига ҳар қадамда хавф-хатар туғдираяпти.

Мен баъзан ўзимни ҳозирги ёшлар ўрнига қўйиб кўраман. Айни чоғда, ўзимга «Уларнинг ёшида бўлганимда чалғимасмидим? Ҳамма томондан бўрондай бостириб келаётган ёт таъсирларга қандай жавоб берардим? Китоб ўқиш ўрнига телефон титкилаб юрсам, интернетдаги бузғунчи нарсаларга кўзим ўрганиб қолса, нима бўларди?» деган саволларни бераман-у, иккиланиб қоламан. Пировардида «Барибир чалғирдим-ов», деган хулосага бораман.

Менимча, ҳозирги ёшларга жуда қийин бўляпти. Ёш барибир ёш-да, қанча беғубор, қанча ақлли бўлмасин, ҳали тажрибаси йўқ, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўтмаган. Шу боис яхшини ёмондан ажратишга қийналади. Онг қалъасига турли ўйинлар ва томошалар шаклида аёвсиз муҳораба бошлаган ҳар хил мафкуралар эса, озми-кўпми, уларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекнинг қандай беғубор, қандай орзуманд, ғайрат-шижоатли, палаги тоза, истеъдодли олтинбош болалари бор. Баъзиларининг буюк иқтидорини кўриб, ҳайратга тушамиз. Бундай ёшларимиз кўп. Улар ўзини асрасин, Худо уларни асрасин!

Фақат мени бир нарса ҳайрон қолдиради. Хусусий телеканаллардаги баъзи ўйинларда бошидан охиригача бақир-чақир, «чикками-пукка», «барабанни айлантир», «гулдургап», «ўйинга туш» каби боши-кети йўқ олди-қочдилар... Улардан мақсад нима ўзи? Масалан, Россиядаги оммавий ўйинлардан бири «Поле чудес»да ютуқ барабанни таваккалига айлантирганда унинг ўқи тасодифан бирор катакка тўғри келиб қолишига боғлиқ эмас. Бунинг учун, озми-кўпми, билим ва тафаккур керак, фикрлаш керак. Рус тилидаги бирор сўзнинг асл илдизи ва моҳиятини билишга интилиш керак. Бунда миллий ғоя бор, тил тарғиботи бор! «Кто хочет стать миллионером?» ўйинида ҳам қатнашчидан билим талаб қилинади.

Бизда-чи?.. Фикр ҳам, билим ҳам, тарғибот ҳам битта – барабанни айлантириш! Мақсад ҳам, савия ҳам, ғоя ҳам битта – «Дамас»! «Заковат» бор-ку», дерсиз? У оммавий эмас, клуб ўйини, йўриғи ҳам бошқа. Кўчадаги дуч келган одам унда қатнашолмайди, билимсизларга эшиги берк. «Омад шоу» каби ўйинларни «Заковат»га ёки «Ёш китобхон» танловига қиёслаш мутлақо нотўғри бўлади. Билим ва иқтидор, меҳнат ва ижод, шубҳасиз, совринга муносиб, аммо зинҳор-базинҳор «чикками пукка»га эмас.

Биз олма пиш, оғзимга туш, деб анқайиб ўтирадиган миллат эмасмиз, бундай бўлмаймиз ҳам. Оталаримиз манглай терини, меҳнатни, ор-номусни, илмни беҳад қадрлашган.

Атрофга бирров назар солсангиз, бутун дунё ташвишга тушиб қолганига гувоҳ бўласиз. Яқинда хорижий телеканаллардан бирида бир аёл: «Болаларимиз 20 дақиқа китоб ўқишга эринадилар, лекин 12 соатлаб порнография кўришдан эринмайдилар. Улар эртага – 18 ёшга тўлгандан сўнг қандай одам бўладилар? Ит ҳаётини танлайдиларми?», деб йиғлаб гапирди. Керак бўлса, 18-20 соатлаб интернет ўйинларига шўнғийдиган, интернетнинг сўқир балиғи бўлиб қолган ўсмирлар бор. Бу фикрсизлик оқибати. Фикрсизлик эса меҳрсизликни, жоҳилликни келтириб чиқаришини ҳамма билади. Чингиз Айтматов «манқурт» образини яратиш орқали инсониятни худди шу фикрсизлик оқибатларидан огоҳлантирган эди. Бу ҳол бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солаяпти. «Ақлдан озаётган дунё», «Моҳиятини йўқотаётган жаҳон» каби иборалар шундан пайдо бўляпти.

Энг ачинарлиси, дунёни довдиратаётган бундай иллатлар пайдо бўлган жойида туриб қолмайди, аксинча, ҳамма ёққа тарқалади. Чунки фазилатни сингдириш қийин, иллатни юқтириш осон. Бундай бадкирдорликлар аста-секин... йўқ, аста-секинмас... космик тезликда ўзимизга ҳам кириб келяпти. Яқинда Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи, генерал-майор Азиз Тошпўлатов пойтахт мактабларидаги вазият анча ташвишли эканини маълум қилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Равшан Султонхўжаевнинг таъкидлашича, ўқувчилар орасида бундай нохуш ҳолатлар кўпайган. Текширувлар жараёнида баъзи болаларнинг мобиль телефонида порнографик материаллар борлиги аниқланган. Айримларининг чўнтагидан ёки сумкасидан ўткир тиғли буюмлар чиққан. Мактабга пичоқ кўтариб боришдан мақсад нима? Мактабга-я?!. Тилимизда она мактаб деган ибора ҳамон бор. Она мактаб бағрига ҳаёсиз, шаҳвоний видеоларни олиб бориб, тарқатиб юрадиган болалардан эртага нимани кутиш мумкин? Шавкат Раҳмон айтганидай, миллат қуртлариними? Бундан ташқари, вояга етмаганлар орасида электрон тамаки ва снюс (тутунсиз тамаки маҳсулоти тури) чекиш ҳолатлари учраётгани ҳам бор гап.

Ваҳоланки, Ватанга жаҳолат болалари эмас, маърифат болалари керак! Миллатга иллат тарқатувчилар эмас, билим ва тафаккур таянчлари керак!

Афсус, минг афсус, биз енгил-елпи бачкана томошалар, ўйин ниқобидаги оммавий қиморбозликлар, тутуруқсиз қўшиқ ва мусиқалар ёш авлод табиатига нечоғли салбий таъсир кўрсатаётганини тасаввур қилолмаяпмиз. Маънавий бузғунчиликни эса ҳеч қандай демократия, ҳеч қандай муросасозлик, ҳеч қандай юзхотирчилик, ҳеч қандай «инсон ҳуқуқлари» ниқоби билан оқлаб бўлмайди. Зеро, маънавий бузғунчилик – Ҳаётга ва Худога қарши фитнадир!

ҲОЗИРГИ ЁШЛАРГА ЖУДА ҚИЙИН БЎЛЯПТИ. ЁШ БАРИБИР ЁШ-ДА, ҚАНЧА БЕҒУБОР, ҚАНЧА АҚЛЛИ БЎЛМАСИН, ҲАЛИ ТАЖРИБАСИ ЙЎҚ, ҲАЁТНИНГ ЎНҚИР-ЧЎНҚИР СЎҚМОҚЛАРИДАН ЎТМАГАН. ШУ БОИС ЯХШИНИ ЁМОНДАН АЖРАТИШГА ҚИЙНАЛАДИ. ОНГ ҚАЛЪАСИГА ТУРЛИ ЎЙИНЛАР ВА ТОМОШАЛАР ШАКЛИДА АЁВСИЗ МУҲОРАБА БОШЛАГАН ҲАР ХИЛ МАФКУРАЛАР ЭСА, ОЗМИ-КЎПМИ, УЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.

Сиз бундай ўйинлар дунёнинг ҳамма жойида бор-ку, осмон ўйилиб ерга тушаётгани йўқ-ку, деган гапни пеш қилишингиз мумкин. Тўғри, дунёда бундай ўйинлар бор, лекин уларга бизчалик берилиб кетиш йўқ. Ўйинлар қулига айланиб қолиш йўқ. Биз бирор нарсага берилсак, муккамиздан кетамиз. Қолаверса, бутун жаҳон фикр аҳлининг бундай ўйинлардан хавотирга тушиб қолганига анча бўлди. Дунё ҳақида ўйлашдан аввал ўзимиз ҳақимизда мулоҳаза юритишимиз керак. Чунки ўзини жаҳолатдан ҳимоя қилишни ўйлаган халқ, қайсидир маънода, дунёни ҳам ҳимоялаган бўлади. Ҳимоя эса билим ва маърифатда эканини ҳаёт ҳам, тарих ҳам исботлаган. Шунинг учун ҳам Президентимиз деярли ҳар бир чиқишида «Илм, илм, илм!» дея бор кучни таълим ва тарбияга йўналтириш кераклигини қайта-қайта уқтирмоқда.

Мавзуга бироз яқинлиги учун одамларга жуда қизиқ туюлаётган худди шу машмаша-ю томошалар билан боғлиқ яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишим даркор. Оила дардини ҳар жойда дастурхон қилиш бизнинг миллатда оғир айб саналган, ота-боболаримиз бундан номус қилишган. Таассуфки, бугун оилаларнинг ички сирларини телевизорга олиб чиқиб, достон қилаётганлар ҳам кўп. Баъзан бунга туппа-тузук одамлар аралашиб қолаётгани эса ниҳоятда ачинарли. Бирор нарсанинг маънисига етган-етмаган бир-иккита гўлни ўртага чиқариб қўйиб, «ҳой-ҳуй»лашиб, «вой-вой»лашиб, узундан-узун муҳокама қилишади. Ҳолбуки, бу муҳокамачиларнинг ўзлари жиддий муҳокамага муҳтож эканликларини билишмайди.

Мағзава кўпигидай кўпчиган бу томошаларда сон-саноқсиз томошабинлар олдида эр ўз хотинининг сирини, хотин эса эрининг сирини очиб, бемалол сотаверади. Ўртага чиққан гўлларнинг на бети қолади, на кети. Бошловчилар эса завқ-шавқ билан, жўшгандан жўшиб, арзон сирлар бозорига ҳаммани чорлайверади. Ахир, Замахшарий бобомиз: «Бировнинг юзининг сувини тўкиш, унинг қонини тўкиш билан баробардир», деганлар. Хусусий каналлардаги баъзи кўрсатувларда, ижтимоий тармоқлардаги айрим лавҳаларда эса нафақат юзлаб юзларнинг сувини тўкишаяпти, балки бет терисини бутунлай шилиб олишаяпти.

Бугунги кунда бизга баландпарвоз, шовқин-суронли ва башанг олди-қочдилар эмас, ҳақиқий маънодаги кучли, эзгу ғоялар керак бўляпти. Улар фарзандлар вужудига оталар қони, оналар сути билан сингиши шарт. Бошқа гаплар шамол сингари ўткинчидир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нима учун аждодлардан мерос ғояларни авлодларга сингдиришимиз қийин кечяпти? Нега баъзан борини ҳам қўлдан бой бериб қўяяпмиз? Босқинчи ғоялар кўплигиданми? Ёки оммавий маданият оқибатими бу? Нима қилмоқ керак?

Аввало, бир нарса муҳим, ғоя миллат болаларининг руҳида туғилиши ва яшаб кетиши керак. Эҳтимол, сиз «Ташқаридан кираётган ғоялар ҳам уларнинг ботинида яшаб кетяпти-ку?!», дерсиз. Ҳа, бу асосли гап. Лекин, бунинг сабаби шуки, ичкарида, ботинда бўш жой борлиги учун бегона алафлар яхши томир отади. Дунёда инсон ботинидаги уруғ сепилмаган ерларни излаб юрган дайди ғоялар эса жуда кўп. Бундай саёқ ғоялар бўш ерни топса топди, бўлмаса, бошқа қушлар инидаги тухум устига ўз тухумини қўйиб кетадиган какку усулини қўллайдилар. Миллий ғоялар учун ҳам, умумбашарий ғоялар учун ҳам хатар шунда. Алқисса, одамга қандай ғоя сингдирилса, у аста-секин шу ғояга айланади.



Эшқобил ШУКУР,
шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-8002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
Д. Худойберганова,
У. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:10**
Топширилди – **22:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г–106** **34308** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130